

(Давоми. Боши 1-бетда).

маблаглар эвазига қопланиши белгилаб қўйилди. Айни пайтда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириши билан шугулланувчи фермер хўжалиқларига имтиёзли кредитларни қайтасини ҳаётининг олдин олиш ёки гаровни сугурталаш шартномалари бўйича сугурта мукофотларини тўлашга, иш ҳақи тўловлари, минерал ўғитлар ва ўсимликларни қимматли химия қилиш воситалари, чигит экиш учун полиэтилен плёнка, ёниги-мойлаш маҳсулотлари сотиб олишга, машина-трактор паркларини, шу жумладан, муқобил МТП, коллектор-дренажлар тармоқларини тозалаш, электр қуввати, ягона ер солиғи ва бошқа харажатлар тўлови (ҳосилини йиғиб олиш бўйича хизматларни қўшган ҳолда) учун мақсадли кредитлар ажратилиши йўлга қўйилди.

Хўкумат қарори талабларини бажариш мақсадида жорий йил давомида тижорат банкларининг мазкур виллоятлардаги бўлимларида ўз ҳисоб рақамларини оған фермер хўжалиқлари ва тайёрлов корхоналари ўртасида пахта хошмашёси бўйича 11513 та, галла ҳосили бўйича 9622 та контрактация шартномаси тузилган эди. Жумладан, пахта хошмашёсини етиштирувчи фермер хўжалиқларидан тижорат банкларига тақдим этилган 9621 та кредит аризаси тўлиқ қўриб чиқилиб, уларга жами 15227 млн. сўмлик, шунингдек, галла етиштирувчи фермер хўжалиқлари томонидан тақдим этилган 5617 та кредит аризаси бўйича эса жами 1484,2 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада яқунда имтиёзли кредит олган тўртта виллоятдаги фермер хўжалиқларида 186,1 минг тонна ўрнига 183,8 минг тонна галла ҳосили етиштирилди. Бунинг эвазига улар режадаги 11,0 млрд. сўм ўрнига 13,5 млрд. сўм даромаднинг қўлига киритиб, 5,5 млрд. сўм фойда қўришга эришдилар. Масалан, Поп туманидаги «Тулпор» фермер хўжалиқи 2002 йилда 100 гектар майдондан 362 тонна галла етиштириб, 22,3 млн. сўм соф фойда олган бўлса, 2003 йилда кредитлаш механизми қўлланилгандан кейин 435 тонна галла етиштирилиши, яъни

ҳосилдорлик 7,3 центнерга ошиши тўғрисида даромад 50,5 млн. сўмга кўпайди. Шунингдек, имтиёзли кредит олган пахта етиштирувчи фермер хўжалиқлари ҳам бу йил жами 50,6 млрд. сўм даромад олдилар. Унинг 20,5 млрд. сўми соф фойдадир. Мисол учун, Ромитан туманидаги «Аламдор» фермер хўжалиқи 32 гектар майдонда пахта етиштиради. Ушбу

да жорий йилда 113 та ўрнига 118 та мини банк ташкил этилди. Оқибатда тижорат банкларининг ишлаб турган мини банклари сони 120 га етди. Ҳўш, улар фермерларга нима беришмоқчи?

«Тадбиркорбанк»нинг Мирзачўл филиали томонидан туман марказидан 30 километр узоқликда жойлашган «Пахтазор» ширкат хўжалиқи боради.

Хўсуҳан, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариётган фермер хўжалиқларидаги маҳсулотларни олиш ва молиявий мустақиллигини таъминлаш, бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжалиқлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қишлоқда фермер хўжалиқларининг эҳтиёжлари боради.

Янгидан ташкил этилаётган фермер хўжалиқларига хизматлар кўрсатишда қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида 954 та муқобил МТП, 925 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 889 та ёниги-мойлаш маҳсулотлари, 848 та минерал ўғитлар ва ўсимликларни химоя қилиш воситалари сотиш шохбаси, 701 та мини банк, 249 та зотли молларни сотиш ва зооветеринария хизматлари кўрсатиш ва 160 та ахборот таъминоти ва консалтинг шохбаси очилди.

Бу борада, айтиш мумкин, Марказий банк томонидан идоралар билан бирга 4 та виллоятда орттирилган илғор тажрибалар ҳамда қишлоқ хўжалиқи мулкдорларидан йил давомида олинган тақрирлар ҳисобга олиниб, фермерлар учун кўпроқ қўлайлик ва имкониятлар яратиш мақсадида амалдаги йўриқномаларга ўзгаришлар киритилди, имтиёзли кредитларни расмийлаштириш ва ажратиш тартиби янада такомиллаштирилди ва Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинди.

2004 йилда, шунингдек, Андижон, Жиззах, Навоий ва Самарқанд виллоятларида ҳам давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштирадиган фермер хўжалиқларининг тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмига ўтказилаётганлиги муносабати билан мазкур ҳудудларда жорий йилнинг ноябрь ойида уларнинг раҳбарлари иштирокида семинарлар ўтказилди. Айни чоғда ширкатлар, фермер ва деҳқон хўжалиқларига банк хизматлари кўрсатиш учун 2004 йилнинг апрель ойига қишлоқ хўжалиқи мулкдорларига хар томонлама қўлай бўлган жойларда яна 178 та мини банк ташкил этиш чоралари қўрилмоқда.

Президентимиз томонидан ўртага қўйилган вазифа - «Ўзбекистон ўз тараққиётини фермерлик ривожига қўйди» ва бу борада дунёнинг илғор мамлакатлари эришган ютуқларга таянади» деган долзарб вазифа бундан буён ҳам банк тизими жамоалари учун устувор дастур бўлиб қолаверади.

Қаҳрамон РОФИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари.

Фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш — ДАВР ТАЛАБИ

фермер хўжалиқи 2002 йилда 16,0 млн. сўм даромад кўрган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 22,0 млн. сўмга етди. Фермернинг йиллик рентабеллик даражаси эса 2002 йилдагига нисбатан 8 фоиз ўсди.

Кўриниб турибдики, республикамизда етиштирилаётган пахта ва донга давлат буюртмаларининг жорий этилиши, бир томондан, уларнинг маҳсулотларига барқарор талабни вужудга келтиришга ёрдам берган бўлса, иккинчидан, ана шу маҳсулотлар қийматининг 50 фоизи микродорида олинган бўлса (аванс) пули олиш имконияти вужудга келди. Ушбу механизмнинг олдинги услубдан ана бир қўлай жиҳати шуки, давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган пахта хошмашёси ва галла етиштириш бўйича тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредит берилиши — бу фермер хўжалиқлари учун эҳтиёж сезилган харажатларни ўз вақтида молиялаштириш ва маблагларни мустақил равишда тасарруф этиш ҳамда ишлаш шартини яратди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиқи корхоналарининг молиявий ҳолатини мустахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, туман марказларидан олинсада жойлашган фермер хўжалиқларига қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсади-

да очилган мини банк ҳозирги кунда 211 та фермер хўжалиқига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ерда фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар қолди, жорий йил 1 декабрь ҳолатига кўра, 133,0 млн. сўми ташкил этди. Фермерларга пахта йиғим-терими мавсумида жами 282,0 млн. сўм микродорида нақд пул тақрирланди. Натижада фермерларнинг ортиқча вақт ва маблаг сарфлаб, оғир бўлиб туман марказига қатнашларига чек қўйилди.

Қишлоқ хўжалиқи ривожланишига қўмаклашувчи бозор инфратузилмасининг яратилиши ва улар томонидан, айниқса, фермерлик фаолиятининг қўллаб-қувватланишининг аҳамияти фақат шулардангина иборат эмас. Бу вазифини амалга ошириш фермер хўжалиқларига моддий-техника ресурслари етказиб берувчи, маҳсулотларни сақлаш, ташуш, қайта ишлаш ва сотишга қўмаклашувчи, яъни хизмат кўрсатувчи корхоналар тармоқини яратиш, банк, ахборот-маслаҳат марказлари ҳамда фермерлар манфаатларини химоя қилувчи уюшмалар, фондларни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни яратишни назарда тутади. Давлат ана шу йўл билан фермерликнинг ривожини бевоусита қўллаб-қувватла-

Хабарлар оқимидан

Инсонпарварлик ёрдами

«Соғлом авлод учун» жамғармасида АҚШнинг «CitiHope» халқаро хайрия ташкилоти томонидан юборилган наватдаги инсонпарварлик ёрдамини қабул қилиб олиш маросими бўлиб ўтди. Республикаимиз виллоятларидаги соғлиқни сақлаш тизимларида, саҳоват ва меҳрибонлик уйларида ҳамда махсус мактаб-интернатларига ёрдам бериш мақсадида «CitiHope» ташкилоти озиқ-овқатлардан ташкил топган 75 тоннадан зиёд юки топширди.

Маросимда «CitiHope», «USAID» ташкилотидан, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Ички ишлар вазирликларидан вакиллар иштирок этишди.

Қамол МИРЗААХМЕТОВА.

«Немис овози» — Қашқадарёда

Қашқадарё виллоят телерадиокомпаниясида «Немис овози» телерадио тармоғи узатқичлари ўрнатилди. Виллоят ахли эндиликда сунъий йўлдош орқали Европа янгликларини, Германия маданияти ва санъати, адабиети ҳамда туризмига доир телекўрсатувлар ҳамда радиосиёҳатларини кўриш ва эшитиш имкониятига эга бўлди.

Ривожланган мамлакатдаги ҳаммасблари билан ҳамкорлик виллоят тележурналистларига кенг имкониятлар эшигини очди шубҳасиз.

«Туркистон-пресс».

Орол муаммоси — олам муаммоси

Ўзбекистон Бадиий академияси Қўрақалпоғистон бўлимининг кўргазмалар залда «Орол муаммоси — олам муаммоси» мавзусидаги кўргазма очилди. Унда таъсирли санъат илосмандлари эътиборига 80 дан ортиқ рангтаъсир ҳамда ҳайкалтарошлик асарлари ҳавола этилди.

Ушбу тадбир Халқаро Оролни кутқариш жамияти томонидан уюштирилди.

Янгибои ҚЎҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Анжуман

Ёшларга фаоллик ярашади

Кеча «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши биносида «Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими: ҳолат ва истиқбол» мавзусидаги III Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда таъкидланишича, бугун ёшлар ижтимоий-сиёсий ҳаётининг фаол иштирокчилиги айланишга ҳаракат қилмоқда. Турмушимизнинг барча соҳаларида улар амалга ошираётган ишларни қайд этиш мумкин. Аммо бу сайёҳаракатларни етарли деб бўлмайдими. Ёшларнинг таълим олиш, ижод қилиш, ишлаб чиқаришдаги иштироклари суҳт кечмоқда. Улар ўз-ўзини бошқариш, ташаббускорлик,

фаоллик хусусиятларини тўла намоян этишларида таянишлари лозим бўлган омиллар, бу борада тўққинчи қилаётган муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари хусусида атрофлича мулоҳазалар юритилди.

Республикамиз ёшларини янада фаол, изланувчан, ташаббускор бўлишга даъват этувчи маъруза ва чиқишлар шўба йиғилишларида давом этди. Ўртаимизнинг турли гушаларидан йиғилган соҳа вакиллари, нодавлат ташкилотлар аъзолари, олим ва мутахассислар бу борадаги тажриба ва тақлифлари билан ўртоқлашдилар.

М.НОРМУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.



Наманган виллояти Янгикўрган тумани мамлакатимизнинг чегара ҳудудига жойлашган. Шу боис туман ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари зиммасидаги вазифа янада масъулиятдир. Зеро, тумандаги «Кўкёр» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига ишга туширилган 28-милиция таянч пункти ҳам оғоҳлик масканига айланиб қолиши, шубҳасиз. Унда маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ходимлари, профилактика инспектори, поёбонлар сардори, тарбиячи-педагог, вояга етмаган ёшлар билан ишлаш инспектори, компьютер, маънавият ва дам олиш хоналари мавжуд. Ҳозирданок бу масканга одамлар маслаҳат сўраб келишмоқда ва маҳалла тадбирларида фаол қатнашмоқдалар. Ҳамиша ҳушёр туриш ва оғоҳ бўлиш осойишта турмушимизнинг гаровидир.

СУРАТЛАРДА: милиция таянч пунктнинг кўриниши; «Кўкёр» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тохиржон Оқилов Янгикўрган тумани ИИБ уастка нозир Рустамжон Тошматов билан.

Огоҳлик



Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

қонуний маҳсулотлар қандай йўллар билан бу ерга келиб қолганлиги суриштирув давомида аниқланса, ажаб эмас.

Ташкент туманида ўтказилган рейдда ҳам шунга ўхшаш ҳолат намоён бўлди. Бу ерда хусусий тадбиркор М. Исоқов нозорат касса

спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний савдосига чек қўйиш мақсадида шаҳар ва туманлар бўйлаб 552 та текширув ўтказдилар. Шу жараёнда 5365,7 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари ва 4136,8 минг сўмлик спиртли ичимликлар савдоси тўхтатилди. Кейинги икки ой давомида ўтказилган рейдларда 1728 қути тамаки маҳсулоти ва 1012 шиша спиртли ичимликлар мусодара қилинди.

Яширин бизнесга ружу қўйилган энди бу йўлдан қайтишлари, ҳалол яшаб, ҳалол меҳнат қилишга қўниқлиши керак. Чунки солиқ хизмати ходимлари нақд пул тушумининг банкларга тўлиқ тушиши устидан қаттиқ нозорат ўрнатганлар. Шу мақсадда ўтказилган рейд ва текширувлар жараёнида барча турдаги қонунбузарликлар фож этилмоқда. Хотиржам ашай десангиз, ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйманг. Кингир ишнинг қийғи, албуг бўлмаса, эртага албатта чиқадими.

Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бош мухассиси.

Назорат

Тошкент виллояти солиқ хизмати ходимлари ўтказган наватдаги рейдда акциз маркази спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари билан ноқонуний равишда савдо қилаётган сохта тадбиркор ва тижоратчилар йўлга қўйилди.

Бундай тоифадаги кишилар кейинги пайтларда анча кўпайиб қолган эди. Чунки қўшни Қозоғистон Республикасининг бизга яқин ҳудудига қатта-қиқ бозорчалар пайдо бўлган.

Рейд ўтказилган кунни Фарғона виллоятининг Олтириқ туманидан келиб Тошкент туманида тижорат ишлари билан шугулланган Зайнобиддин Рашиддин Қозоғистонда ишлаб чиқарилган 155 шиша «Шенчинчый» аргонини «Навоий» божхонасини четлаб олиб ўтаётган пайтда тўхтатилди. У билан изма-из Тошкент шаҳар Ҳамза туманида истиқомат қилувчи Турсун Иминов келатганди. Текширув пайтида машинаси юкхонасидан 105 шиша Қозоғистон аргонини чиқди.

Янгиёул тумани, Бобур номли жамоа хўжалиғида истиқомат қилувчи Акмал Бобоев орқалаб келатган ола сўмга нозоратдан ўтказилганда, унга Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган акциз маркази 1000 қути тамаки маҳсулоти жойлаштирилганлиги маълум бўлди. Солиқчилар ҳушёрлик кўрсатишмагани, сизигареталар эртага бар-

Қўлбола маҳсулот — саломатлик кушандаси

ча бозорларни босиб кетиши аниқ эди.

Қўлбола спиртли ичимликлар тайёрлаб сотаётган сохта тадбиркорлар Чирчиқ шаҳрида ҳам бор экан. «Истиқбол» кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Николай Хорунув уй шариоитида 1400 литр вино ва 80 литр самогон тайёрлаб сотувга чиқарган пайтида ушланди.

Қўлбола цехларда тайёрланаётган спиртли ичимликлар дўкон пештахталаридан бемалол яши олаётган рейдлар давомида маълум бўлаётди. Урта Чирчиқ тумани бўйлаб ўтказилган рейдда «Тубўғиз» хусусий фирмасига қарашли дўкон

сотувчиси М. Муртазоева қалбаки акциз маркази эъланланмаган 62 минг сўмлик спиртли ичимликларни ва акциз маркази 6,5 минг сўмлик сизигаретларни сотиб ўтирган пайтида савдоси тўхтатилди. Бу ичимликлар истеъмолга яроқли эканлигига ҳеч ким қарғаб бера олмайдди. Шунингдек, акциз маркази йўқ спиртли ичимликлар билан савдо қилаётган дўконини нисбатан энг кам иш ҳақининг 100 баробари микродорида молиявий жарима қўйилди.

Тумандаги «Жаннат боғи» хусусий фирмасига қарашли дўкон кўздан кеңирилган

қоидага мувофиқ, бундай ҳолат юзасидан жиноят иш қўзғатилади ва акциз маркази спиртли ичимликлар билан савдо қилаётгани учун дўконга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробари микродорида молиявий жарима қўйилди. Бу жаза бошқаларга ҳам сабоқ бўлади, деган умиддамиз.

Тошкент виллояти солиқ хизмати ходимлари ўтган ойларида акциз маркази

ҲУҚУҚШУНОС

жавоб беради

Муштарийларимиз саволларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бош маслаҳатчиси Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ жавоб беради.

— Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни амалга оширувчи мансабдор шахсларга нисбатан қўйиладиган қандай талаблар мавжуд?

А.МАДУМАРОВ, врач, Сирдарё тумани.
— Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг чекланиши бевоусита «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ режалар тартибда, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органининг қарорига асосан йилга бир марта амалга оширилади.

Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмида тўлаб турадиган, бошқа меъёрлар ва қондаларга риоя этадиган, ҳар йиллик тегишли аудиторлик хулосаларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан икки йилда бир марта амалга оширилади.

—Баъзан текширувлар оилаб қўзилиб кетади. Менимча, текширувнинг ҳам муддати бордир? Ёки тадбиркорлик субъектига етказилган зарар ким томонидан қопланади?

Б. ЮСУПОВ, аргосаноат ходими, Қўшраб-бот тумани.
— Юқорида таъкидланган қонуннинг айнан 39-моддасида бу белгилаб қўйилган. Унга биноан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишдан ўтказиш мuddатлари ўттиз календарь кунидан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органининг қарорига биноан бу мuddат ўзгаририлиши мумкин.

Мазкур текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларга ушбу қонуннинг 40-моддасида белгиланган талаблар қўйилган. Жумладан, назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда тегишли ваколатли орган томонидан тасдиқланган текшириш ўтказиш режасидан кўчирма, назорат қилувчи органининг текширув жараёнида қатнашувчи мансабдор шахсларнинг таркиби ва текширишни ўтказиш мuddатлари кўрсатилган буйруқ нусхаси, текширувчи мансабдор шахсларнинг шахсий гувоҳномадари бўлиши шартлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, текширувни амалга оширувчи шахсларнинг текширишлари рўйхатга олиш китобини тўлдиришлари шартлиги ҳам мустахкамланган.

Тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарни қоплаш масаласи мазкур қонуннинг 38-моддасида белгилаб қўйилган. Унга асосан, тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарнинг ўрни бу зарарни етказган шахс томонидан тўла ҳажмида, жумладан, бой берилган фойдани қўшиб қопланиши керак.

— Ҳадича Сулаймонова номидаги республика суд-экспертиза муассасаси қайси фаолияти устидан кимга шикоят қилиш мумкин?

Б.САДОВ, журналист, Бухоро шаҳри.
— Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 370-сонли қарори билан тасдиқланган Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомнинг 14-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларига асосан ушбу суд экспертиза маркази Адлия вазирлиги тасарруфига кириди. Бу муассасанинг қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатлари устидан фуқаролар тегишли тартибда юқори турувчи орган сифатида Адлия вазирлигига ёки бевоусита суд органларига шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

— Турли ҳужжатларни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришда давлат ёки хусусий нотариал идораларга ўртасида қандай фарқ борлиги тўғрисидаги саволга жавоб берсангиз?

А.ОСТОНОВ, йўлсоз, Шаҳрисабз тумани, Оммагон қишлоғи.
— Ўзбекистон Республикасининг «Нотариал тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, нотариуслар давлат нотариал идорасида ишлашдан ёки хусусий амалиёт билан шугулланишдан қатъий назар, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга ва бир хил мажбуриятларга эга. Ҳар иккала нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик қучага эгалиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 24-моддасига асосан, хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариусларда ҳам ушбу қонуннинг 23-моддасида, яъни давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар томонидан амалга ошириладиган деярли барча ҳаракатларни бажариш ҳуқуқи мавжуд. Фақат улар мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни таъқиқлаб қўйиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ва мерос мулкни қўриқлаш чора-тадбирларини кўриш ваколатига эга эмас.

— Айрим ҳолатларда баъзи идоралар маъсўл ходимлари фуқароларга шикоят қилаётган масалалар бўйича бошқа тегишли органларга мурожаат этишни тавсия қилишади. Шу тўғрими? Ёки фуқароларнинг ариза, тақлиф ва шикоятларининг берилиши мuddати чекланиши мумкинми?

Р.ҚУЧАРОВ, қурувчи, Тошкент шаҳри.
— «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси биринчи қисмига мувофиқ фуқароларнинг ариза, тақлиф ва шикоятлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирадиган давлат органига бевоусита ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга берилади.
Мазкур қонунда белгиланганидек, фуқароларнинг ариза, тақлиф ва шикоятлар бериши учун мuddат белгилаб қўйилмади.

Қурбон ЭШМАТОВ тўғрисида.

2004 йил — Мехр ва мурувват йили

Биз яқинлашган янги йилнинг мехр-мурувват йили деб аталганидан жуда тасвирландик. Таъсирланганимиз шу бондан-ки, мехр-мурувват кўнгилларга бош ҳарфлар билан муҳрланади. Кўнгил қатларидаги ёзувларнинг до-рилсалтанат пешайвонига битилиши ҳар бири-миз учун ҳаяжонли ва қувонарли ҳолдир. Одамга завқ ва иштиёқ бағишлайди.

Саховат улуғликни оширади

Сўз айтишда тенгсиз ҳазрат Навоий шундай де-ганлар: **Нафъини агар халққа бешак дурур, Билки бу нафъ ўзинга кўпрак дурур.** Ҳақ гап. Ким бировга қандай мурувват кўрсатмасин, унинг хосиятини даставвал ўзи ва яқинлари кўради. **Битиклик келиди ҳимматишдин нишона, Ки ҳимматишдин нишона, Ки ҳимматишдин нишона, Ки ҳимматишдин нишона.** Халқ дарди, унинг оғир-оғирлиги билан иши йўқ ки-шини замонанинг ўзи паст этади, деган хулосага ке-лади шоир. Мехр-мурувватни энг аввало унга муҳтож-ларга улаштириш лозимлиги айтади. Айниқса, кўнгли ўқик, ҳаётдан сиқилган, бева-бечора, касалманд ва ёлғиз кишиларга. "Ўзингдан улуғлар сенга раҳм қилишини хоҳласанг, ўзингдан па-

стларга раҳм қил". Шарқ фалсафасининг беқибс жи-ҳатиға эътибор беринг-а: мурувват қилсангинга, му-рувват кўрасан. Яқиндагина бир воқеа-нинг шохиди бўлдим. Та-ниқларимдан бири рўзго-рида бир буюмга жуда муҳ-тожлик сўзди. Худди шу нарса кўшнисиде иккита эди. Эскироғини фойдала-ниш учун ҳамсоясига бутун-лай берди. Аммо кирган-даям-чиққандам бу муру-ватини эслатаверди. Эвази-га ундан ҳеч нима кўрмаёт-ганини шайма қўлаверди. Буюмни олган киши ўрни-га янгисини берди-ю, кутулди. Икки ўртада кўшничилик муносабатлари дарз кетди. Саъдийнинг "Гулистон" аса-рини туркий тилга ўғирган шоир Сайфи Сароий шун-дай ёзади. **Ичириб элга қошук бирла шўрба, Чўмич сопи билан кўзин чиқарма.**

Таъна-маълوماتлари манфаат эвазига қилинган мурувват олди-беридан бошқа нарса эмас. Мехр-мурувватни намоён этиш йўллари хилма-хил-дир. Тарихий манбаларда айтилишича, одамлар би-лан чинакам муросяо ма-дора қилиш ҳам мехр-му-

рувватга қиради. Ўзбек халқ оғзаки ижоди дурдоналарида мехр-муру-ват фазилатлари ниҳоятда содда ва самимий фойда-ланади. "Бери бўлса — эм-чима, нари бўлса — ким-чима". Бу мақолда бери-роқ — мехрга яқинроқ бўлсам, ҳар ишга эмман, ярайман, нарироқ бўлсам, ҳеч кимман, деган маъно бор. Шоир айтганидай, сий-ланган жойда азиздир ин-сон маъносини ўқиш мум-кин. Мехр-мурувват тушунча-си ниҳоятда кўхна ва сер-қирра. Уни Янги йилмиз широрага айлантлар экан-миз, турмушимизни энг бой ва азалий қадриятлардан бири кўмағида янада тўлди-рамыз, тақомиллаштирмаймиз.

Жаҳон спорти 120 кун муҳлат

Ўтган ҳафта професси-онал боксинг ўта оғир вазнидаги Жон Руис ва Ҳасим Раҳмон WBA че-мпιονлигига ким асосий номзод эканлигини аниқ-лаш учун рингга чиқишди. Атлантик Ситида бўлиб ўтган 12 раундли "жанг"-да Жон Руис очқолар бўйича рақибидан устун келди.

— Бундай баҳс профес-сионал боксинг ўта оғир вазнида анчадан буён ку-затилмаётгани, деб ёзади sports.ru. — Негаки, гигант боксчиларнинг ку-раши нари борса, уч ра-унд давом этаётганиди. Энди WBA чемпиони Рой Жонс Руисга қарши рингга чиқиши лозим. Агар тезкор Рой 120 кун ичида ўз чемпионлигини химоя қилмаса, камари-дан айрилиши тайин.

Хавфсизликни таъминлаш учун 19 миллион евро

Португалия ҳукумати келаси йили мамлакатда ўтказиладиган футбол бўйича "Евро-2004" ўйин-ларининг оқибатда кечи-шини таъминлаш мақса-дида 19 миллион евро маблаг ажратди. Пулнинг асосий қисми сув пурка-гичлар ва газ баллонлари учун сарфланади, дейилади.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Танлов савдоси эълон қилинади.
Объектлар номи:
1. Кўчон шаҳридаги тиббиёт билим юртини қайта таъмирлаб, 900/200 ўқувчи ўрнига мўлжалланган касб-хунар коллежига мослаштириш (калоти билан). Қурилиш муддати — 355 кун. Бошланғич баҳоси — 1691000 минг сўм.
2. Марғилон шаҳридаги 3-сонли мактабни қайта таъмирлаб, 300/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган касб-хунар коллежига мослаштириш (калоти билан). Қурилиш муддати — 210 кун. Бошланғич баҳоси — 657000 минг сўм.

Буюртмачи — Фарғона вилояти ҳокимлиги мукаммал қурилиш бош бошқармаси. **Манзили:** Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 69-уй. **Тел./факс:** 24-24-33. Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблаглари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қўйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% микдорда айланма маблагга (заҳурадаги қурилиш материаллари билан бирга) еки бундай маблагларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Фарғона вилояти филиалига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А» уй (Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).** **Тел./факс:** 26-43-19, 26-82-98.

Бир таълим танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридеги манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади. Тақлифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади: **Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А» уй (Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).**

Корхона ва ташкилотлар диққатига! Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

Қурилиш ишлари бўлимига қўриб фойдаланишга топшириш шартли билан қўйидаги ишхоналарга пудратли ташкилотларни танлов бўйича танлов савдолари эълон қилинади:

1. Самарқанд вилояти, Урганч тумани, Ҳамза номли ширкат ҳўжалиги худудида 250 ўринли мактабни қайта таъмирлаш. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 7 ой.
2. Самарқанд шаҳридаги сил касалликлари шифохонаси қошидаги ошхона биносини қайта таъмирлаш. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 8 ой.
3. Самарқанд шаҳридаги тиббиёт институти жарроҳлик корпусини касб-хунар коллежига қайта таъмирлашнинг 2-навбати. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 8 ой.
4. Самарқанд шаҳрининг Р.Узоқов кўчасидаги 53-сонли мактаб қурилишини якунлаш. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 4 ой.
5. Самарқанд вилояти, Пастдарғон тумани, «Дағалова» ширкат ҳўжалигида қишлоқ врачлик пункти қурилиши. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 3 ой.

Буюртмачи — Самарқанд вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси. **Манзили:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. **Телефон:** 83-82-86. Қурилиш ишлари республика бюджетли маблаглари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи микдордаги айланма маблагларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш ишхоналарда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг Самарқанд вилояти филиалига қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, қорпо 2-«А», 203-хона.** **Телефонлар:** 31-13-51, 33-32-00.

Бир таълим танлов савдоси ҳужжатларининг нархи — 40000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридеги манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охири муддати — оферталар очилиш кўни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кун ўтгандан сўнг қўйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 18.00да ўтказилади.**

Санобар юраги бетламайгина синфга кирди. Болаларнинг саломига бош силкиб, дарсни одат-дагидек йўқламадан эмас, маззунни ёзишдан бошлай қолди. Қани, сира орқага қарамай ёзаверса! Қаерда ўтирибди, орқадами, ўрта-роқдами ё олдинги катордами? Дадаси билан бувисининг ораларида ўтган гап-сўздан хабардорими, хабардор бўлса, нима деркин?! Остонага кадам қўймаган кампир икки ҳафта аввал хуфтонга яқин тўсатдан ўзи кириб келди. Шун-

Қизгинам...

сиб қилганига кейинча кўп афсусланди. Ҳассасга таяниб қолган одам, ҳадемай нури-дийдасининг ёнига борган-дай нима дейди? Қўзи юмил-са... бўли арчадеккина чўзи-либ қолган қизалоқнинг холи не кечади?! — Майли, Ҳамидулла — деди ҳазин товусда кам-пир, — майли, Зулайхони олиб келаман десангиз бир нима демей... — болани кўн-гли бут бўлгани яхши.

бар «яхши келдингми» де-дию «қизим» дегани ботин-мади. Қизча онасиникига ўхшаш қалин қорлари ости-дан бир ёв қараш қилди-ю, дадасининг пинжиги сўқилди. Эртасига Санобар бар-вақт ишга кетди. Зулайхо-ларнинг синфиде дарси йўқ эди, қизча олисдан кўрин-ди-ю, кейин чап бериб юрди. Сано-бар мактаб-дан қайтганда Зулайхо ё хо-ли насиде дарс қилар, ё бар-вақт ётиб қолган бўларди. Овқатга дадаси борида чи-қарди. Шу зайл ҳафта ўтди. Санобар қизчанинг хонаси-га ҳуда-беҳуда киравермас эди. Аммо бугун йўғида йи-ғиштира қолай деб хонаси-га кирди-ю киприк қоқмай останада туриб қолди, ал-ланечук бўлиб эрини қақир-ди. Ҳамидулла ажабланиб хонага кирганда Санобар-нинг тили зўрга калимага келди.



билмай... жохалатда Зулай-хони ранжитди шекилли, эрталаб жавоннинг устида-ги расмингизини олиб қараёт-ган экан... Боя овқатга кел-сам расм жойида йўқ. Сиз-ни зимдан ҳушламайди, би-ламан, расмини бир бало қилганим деб жалх усти-да қулоқларини бурабман. Санобар жон ҳолатда ташқарига отилди...

— Ийқ — деди хуши учиб. — Ийқ! — Нима? — Санобар қулоқларига ишонмади, — нима дедингиз, яна битта қайтаринг! Ҳамидулла ҳайратда бош чайқади. Санобар кўзлари бирдан ёшланиб қўллари билан юзини тўсиб олди. — Зулайхо... қизим! — Кечиринг, Санобар,



Латиф МАҲМУДОВ.

ча, юқорига қисташса ҳам ашикча яқин курсига ома-натгина ўтира қолди. Ҳассас-ни деворга сўяб, томиллари бўртган қоқ суяк қафтлари билан юзини силаб қўйди. Ҳадегани ҳеч кимдан садо чиқмади. Кампир куёвини бегона аёл билан кўрганда юрагини игна санчгандек аламли оғриққа киришини билмаган экан. Кўзларида беихтиёр ёш айланди, энти-киб секин хўрсинди, ўлим курсин! Ёлғизидан айрилма-са, қариганда шу кўнлар бормиди. Ўшанда алам усти-да она меҳрига қонмаган болани отасидан ҳам бена-

...Ниҳоят, Ҳамидулла би-лан бувиси Зулайхони бир муддат отасиникида туриш-га аран қўндиришди. Эру хотин дарров хона ажратиш-ди — қизчанинг буюмлари-ни бувисиникида қандай бўлса, шундай жойлашти-ришди, фақат, ҳар эҳтимол кампирга ҳам битта қорват қиритиб қўйишди. ... Санобар шошганча кийим-бошини алмаштириб чиқди. Қаерга дегани Ҳам-идулла улгурмади. Қизини бошлаб келгани мактабга жўнади... Ота-бона уйга пе-шинда кириб келишди, қизи хархаша қилган бўлса, бир паст айлантганми, Сано-

"Lok Kolor Sintez" корхонасидан янгилик!
Атрофдагиларнинг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилинг!
Ўзбекистон бозорига илк бор!
«BIOCEVAT» сериясидеги ЭМАЛЬ ҳамда БУЁҚЛАР полиалкиленгуанидинлар синфига кирувчи ажойиб биоцид қўшимчага эга бўлиб, у антисептикнинг ажойиб янги авлодига қиради ва кенг қўламда таъсир кўчиға егадир.
Махсулот кўп босқичли синовлардан муваффақиятли ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан одамлар кўп бўладиган жойларда: мактаблар, болалар боғчалари, тугруқхоналар, касалхоналар, ҳарбийлар қазармалари ва ҳоказоларда лак-бўёқ қопламаси сифатида қўллашга тавсия этилади.
Ута юқори бактерицид, вирулицид, спороцид ва фунгицид фаолликка эга бўлган ушбу қопламалар инфекция касалликлар (грипп, гепатит А, стафилакоклар, дизентерия, дифтерия, дермотофитга, могор босиши ва бошқалар) даражасининг кескин камайишига имкон яратеди.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22. **Телефонлар:** (998 71) 191-47-41, 191-80-94, **факс:** (998 71) 191-74-63. **E-mail:** lokcolor@online.ru

ТАШКИЛОТ РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН **210 30-16 маркали ПОЛИПРОПИЛЕН СОТАДИ.** МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: **148-12-56, 148-01-64.**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«ХИМОЯ» ХУҚУҚИЙ МАРКАСИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ
• дебиторлик қарзларини ундириш;
• ҳар қандай ҳўжалик низоларини кўриб чиқиш;
• корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш;
• шартномалар ва импорт контрактлар экспертизаси;
• чет эл ваколатхоналари аккредитацияси;
• кадарстр ҳужжатларини расмийлаштириш ва қайта расмийлаштиришда ёрдам кўрсатиш;
• уй-жой фондига нотураж жойга ўтказиш;
• корхоналарни тезкор рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш.

Пудрат савдоларни ташкил этиш (тендер) бўйича Республика бошқармасининг Сурхондар вилояти филиали томонидан 2003 йил 25 ноябрда газетанинг 238-сониде берилган тендер танлови тўғрисидаги эълоннинг 4,5,6,7,8-бандлардаги 450/100 ўрнига 900/100, 750/100 ўрнига 750/50, 300/100 ўрнига 450/50, 200 ўрнига 100, 900/100 ўрнига 900/50 ўринли, деб белгиланди. Шунингдек, газетанинг 17 декабрь сониде эълон қилинган тендер танловидаги тақлифларни очилиш муддати 2004 йилнинг 12 январиде, деб белгиланди.

Ўтелерадиокомпанияси жамоаси Дони Зокиров номли халқ чолу оркестрининг собиқ созандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Салоҳидин ТўХТАСИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига чўкур таъзия илҳор этади.
«Ўзултуржисавдо» акциядорлик компанияси жамоаси тизим фахрийлар кенгаши раиси Юсуф БАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чўкур таъзия илҳор этади.
Хусеини оқиқ акциядорлик тижорат банки «РАВНАҚ-БАНК» жамоаси «Ўзланефтгазинспекция»си бошлиғи Нозир РАМАЗОНОВнинг вафоти эътибори муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўкур таъзия илҳор этади.
«Тошкент тўқимачилик комбинати» оқиқ акциядорлик жамияти жамоаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Аҳмад-жон Турсуновга акаси Абдуҳаёб ҳўжи ота СОАТОВнинг вафоти муносабати билан чўкур таъзия илҳор этади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон»
Босишга топшириш вақти — 21,00. Топширилди — 1 2 3 4 5

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. САФАРОВ, И. ЎТБОСАРОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ, А. ҲАЙДАРОВ, Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
- Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
- Маълумот ва маърифат — 136-35-60; 133-52-55
- Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17; 132-11-15; 132-12-08
- Котибиёт — 133-10-28; 136-09-25

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 00172, 21378 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.

Газета тахририят компьютер базасида термил ҳамда оператор **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. Орипов.** Навбатчи муҳаррир — **Қ. Эшматов.** Навбатчи — **С. Дониёров.** Мусакхх — **М. Сулаймонова.**

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қороздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ тижорат материал.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон»
Босишга топшириш вақти — 21,00. Топширилди — 1 2 3 4 5